

# Куч-адолатда

Аدل ила олам юзин обод қил

2021 йил  
7 май,  
жума  
№ 18-19 (844)

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг ҳуқуқий газетаси

http://www.sud.uz

1998 йил 29 августдан чиқа бошлаган.

## ПРЕЗИДЕНТ: ХОРИЖИЙ ТИЛЛАРНИ ЎРГАТИШ БЎЙИЧА КЕЛАЖАК УЧУН МУСТАҲКАМ ПОЙДЕВОР БЎЛАДИГАН ЯНГИ ТИЗИМНИ ЙЎЛГА ҚЎЙИШ ВАҚТИ-СОАТИ КЕЛДИ

Президент Шавкат Мирзиёев расиблигида 6 май куни чет тилларни ўқитиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари юзасидан видео-селектор йиғилиши ўтказилди.

Мамлакатимизда ҳар йили илм-фаннинг бир нечта йўналиши танлаб олиниб, алоҳида эътибор билан ривожлантирилмоқда. Бу йил физика ва чет тиллари ана шундай устувор соҳалар этиб белгиланган.

Ўзбекистоннинг очиклик сиёсати, дунё бозорига фаол кириб бораётгани, барча соҳаларда халқаро ҳамкорлик кенгайтириши хорижий тилларни билишга эҳтиёжни оширмоқда.

Бугунги кунда юртимиздаги 25 та олий таълим муассасасида ўқитиш чет тилида олиб борилаётган. 2016 йилда улар атиги 7 та эди. Халқаро тил сертификатига эришган талабаларнинг сони охириги 3 йилда 10 баравар ошган.

Жорий йилда "Эл-юрт умиди" жамғармаси орқали 350 нафар талабанинг нуфузли хорижий университетларда ўқиши учун стипендиялар ажратилди. Бу ўтган йилларга нисбатан 5 баравар кўпдир.

Лекин жойлардаги аҳоли мақсад қилинган катта режаларга мос эмас. Хусусан, таълим тизимида 2 мингдан ортиқ чет тили ўқитувчиси лавозими вакант бўлиб қолмоқда. 1 минг 400 та мактабда чет тилини ўқитиш сифати мутлақо қониқарсиз. Бу тизимдаги ўқитувчиларнинг атиги 4 фоизи миллион ва халқаро тил сертификатига эга.

Хонобод ва Кувасой шаҳарлари, Зафаробод, Миришкор, Тўртқўл, Шеробод ва Узун туманларда бундай сертификатли бирорта ўқитувчи йўқ. Мактаблардаги чет тили ўқитувчиларнинг 49 фоизи тастдан ўта олмаган.

Йиғилишда тизимдаги муаммолар атрофида таҳлил қилиниб, устувор вазибалар белгиланди.

Мамлакатимизда хорижий тилларни ўргатиш бўйича келажак учун мустаҳкам пойдевор бўладиган янги тизимни йўлга қўйиш вақти-соати келди. Биз рақобатдош давлат куришни ўз олдимишга мақсад қилиб кўйган эканмиз, бундан буён мактаб, лицей, коллеж ва олий ўқув юрти битирувчилари камида 2 та чет тилини мукамал билишлари шарт. Бу қатъий талаб ҳар бир таълим муассасаси раҳбари фаолиятининг асосий мезонида айланиши лозим, — деди Шавкат Мирзиёев.

Шу мақсадда Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Хорижий тилларни ўргатиш агентлиги ташкил этилиши маълум қилинди.

Бу Агентлик дунёда самарали натижа берган ўқитиш методикалари, дастур ва дарсликларини таълим тизимида жорий этиб, хорижий тилларни мукамал ўзлаштиришга қўмаклашадди. Таълим муассасалари, тармоқлар ва ҳудудларнинг эҳтиёжидан келиб чиқиб, камида 10 та чет тилини ўргатишни ташкиллаштиради.

Шунингдек, вазирлик, идора ва бошқа иш берувчилар билан бирга, хизматчиларнинг касбий фаолиятини хорижий тилларда тўлиқ амалга ошириши имкониятини берадиган методикаларни ишлаб чиқиб, шароитга мослаган ҳолда, амалиётга жорий этади.

Давлат тилидан хорижий тилларга ва хорижий тиллардан давлат тилига профессионал таржима қилиш методикаларини яратиш ҳам унинг асосий вазибаларидан бири бўлади.

Агентлик хорижий тилларни билиш рейтингини ҳам юритади. Чет тили ўқитувчилари учун малака талаблари ва баҳолаш мезонларини ишлаб чиқади ҳамда малака тоифаларини беради.

Бир сўз билан айтганда, Агентлик "боғча — мактаб — олий таълим — корхона" занжири орқали, аҳолининг барча қатламга мос бўлган методика, тавсия ва дарсликларни ишлаб чиқади ҳамда жорий этади.

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари ва Тошкент давлат шарқшунослик университети, Самарқанд чет тиллари институти билан бир қаторда, ҳар бир вилоятда биттадан университет чет тиллари бўйича таълим муассасаси сифатида белгиланади.

Давлатимиз раҳбари ўқитувчиларга муносиб шароит яратиш, малакасига қараб уларни рағбатлантириш зарурлигини таъкидлади.

Халқаро сертификатнинг дастлабки ва ўрта даражасини олган ўқитувчиларнинг ойлик маошига 40 фоиз, юқори натижа кўрсатганларга 50 фоиз устама берилиши белгиланди.

Бундан ташқари, юқори балл олган ўқитувчиларга халқаро сертификат олиш учун тест топшириш харажатлари қоплаб берилади. Келгуси йилдан бошлаб, ишга қабул қилинаётган чет тили ўқитувчиларига миллий ва халқаро

сертификатга эга бўлиш талаби киритилади.

Кейинги уч йил давомида мактаблардаги 53 минг нафар чет тили ўқитувчиларининг барчаси халқаро сертификат олиши зарурлиги таъкидланди. Яратилаётган имкониятлардан фойдаланиб, мактаблардаги вакант ўринларни малакали мутахассислар билан тўлдирish вазифаси қўйилди.

Чет тилларни чуқур ўргатиш мақсадида туман ва шаҳарларда 207 та мактаб танлаб олинди. Ушбу мактабларда хорижий методикалардан эркин фойдаланиш ҳамда фаиларни чет тилида ўқитиш йўлга қўйилди.

Вилоят ҳокимликларига мактабларда чет тилини ўқитиш сифатини ошириш учун маҳаллий бюджетдан ҳар бир туман ва шаҳарга 1 миллион сўмдан маблағ ажратилиши кўрсатма берилди.

Ихтисослашган мактаблар ва олий ўқув юртига тил эгаси бўлган хорижлик ўқитувчиларни жалб қилиш, ҳар бир туманда танлов ўтказиб, чет тили ўқитувчиларини хорижда малака оширишини йўлга қўйиш муҳимлиги айтилди.

Давлатимиз раҳбари чет тиллари бўйича энг яхши мактабларни аниқлаш учун Президент совринини таъсис этиш тақлифини билдирди.

Бунда туман, шаҳар, вилоят ва республика даражасида танлов ўтказилади. Туман ва шаҳар босқичида 1-ўринни олган мактаблар 100 миллион сўмдан, вилоят босқичи гоилибар 250 миллион сўмдан, мамлакатимиз микросидаги энг яхши мактаб эса 500 миллион сўм миқдориди мукофотланади. Иккинчи ва учинчи ўрин сохиблари ҳам мос равишда рағбатлантирилади. Ушбу мактабларнинг директор ва ўқитувчилари давлат мукофотларига тавсия этилади.

Ўқитиш сифати халқаро андозаларга мос дарслик ва методик қўлланмаларга ҳам боғлиқ. Шу боис, инглиз тили бўйича Кэмбриж университети нашриёти дарсликларини 200 та мактабда апробациядан ўтказиб, кейинги йилдан барча мактабларда татбиқ этиш вазифаси қўйилди. Бундай ишлар рус, немис, корейс, хитой ва француз тиллари бўйича ҳам ташкил этилади.

Соҳадаги ўзгаришлардан хабардор

бўлиб боришлари, янги адабиёт ва қўлланмалар сотиб олишлари учун ҳар бир чет тили ўқитувчисига бюджетдан 1 миллион сўмдан маблағ ажратилиши белгиланди.

Мактабгача таълим вазирлигига ЮНИСЕФ билан ҳамкорликда 7 ёшгача бўлган болаларга чет тилларни ўқитиш бўйича услубий қўлланма ишлаб чиқиб, жорий этиш вазифаси қўйилди.

Йиғилишда олий таълим тизимида мутахассислар тайёрлаш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилди.

Бугунги кунда олийгоҳлардаги 78 фойз профессор-ўқитувчиларнинг чет тилини билиш даражаси қониқарсиз аҳолида экани кўрсатиб ўтилди.

Янги ўқув йилидан бошлаб, чет тиллари бўйича қабул квоталари сони 2 баравар кўпайтирилиб, 16 мингтага етказилиши, давлат гранти эса 3 бараварга оширилиши таъкидланди.

Шу билан бирга, келгуси йилдан бошлаб, магистратура ва докторантурага кирувчилар учун чет тили бўйича халқаро сертификатга эга бўлиш талаби киритилади. Олий ўқув юртида мутахассислик фаиларини хорижий тилларда ўқитиш босқичма-босқич жорий этилади. Табиий ва техник фаилар бўйича хорижий дарслик ва қўлланмалардан эркин фойдаланиш йўлга қўйилди.

Чет тилини ўқитишнинг илмий-педагогик салоҳиятини ошириш мақсадида "Эл-юрт умиди" жамғармаси орқали хорижий докторантурада таълим олиш учун йилига 20 та ўрин ажратилади.

Британия кенгаши, Гёте институти, Франция альянси, KOICA, JICA, Конфуций институти каби хорижий ташкилотлар билан ҳамкорликни янада кучайтириш, нодавлат ўқув марказларини кенгайтириш муҳимлиги қайд этилди.

Ҳар бир вазирлик, идора, давлат компаниялари ва йирик хусусий корхоналарда тил ўрганишни қўллаб-қувватлаш, ҳафтанинг бир кунини белгилаб, хорижий тилларни ўрганиш учун шароит яратиш зарурлиги таъкидланди. Тил ўргатуви видеодарслар, фильм ва курсатувлар яратиш, электрон дастурлар ишлаб чиқиш бўйича ҳам топшириқлар берилди.

Видеоселектор йиғилишида мутасадди раҳбарлар ва ўқитувчилар ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди.

ЎЗА

## Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг ҚАРОРИ

2021 йил 20 апрел № 15 Тошкент шаҳри

### Судлар томонидан маъмурий ишларни апелляция тартибида кўриш амалиёти тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилганлиги муносабати билан, суд амалиётида масалалар келиб чиқаётганлиги ҳамда қонун нормаларини бир хилда ва тўғри қўлланилишини таъминлаш мақсадида, "Судлар тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 17-моддасига асослаиб, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми

#### ҚАРОР ҚИЛАДИ:

- Судларнинг эътибори сининг Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексига (бундан буён матнда МСИОТК деб юритилади) 200-моддасига мувофиқ, апелляция инстанцияси судида иш юритиш: ариза, жавобгар, учинчи шахс, уларнинг вакиллари шикоятга;
- Ўзбекистон Республикаси (Давоми 3-бетда) ▶

## Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг ҚАРОРИ

2021 йил 20 апрел № 16 Тошкент шаҳри

### Судлар томонидан иқтисодий ишларни апелляция тартибида кўриш амалиёти тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг Иқтисодий процессуал кодексига (бундан буён матнда ИПК деб юритилади) ўзгартириш ва қўшимчалар киритилганлиги, суд амалиётида масалалар келиб чиқаётганлиги муносабати билан ҳамда қонун нормаларини бир хилда ва тўғри қўлланилишини таъминлаш мақсадида, "Судлар тўғрисида"ги Қонунининг 17-моддасига асослаиб, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми

#### ҚАРОР ҚИЛАДИ:

- Судларнинг эътибори шунга қаратилсинки, иқтисодий судларнинг ҳал қилув қарорлари ва ажримларини апелляция тартибида қайта кўриш суд процесси иштирокчиларининг қонуний кучга кирмаган суд ҳужжатининг қонунийлиги ва асослигини текшириш ҳуқуқини таъминловчи муҳим ҳуқуқий институт ҳисобланади.

(Давоми 4-бетда) ▶

Кейинги йилларда мамлакатимизда амалга оширилаётган ишларнинг ҳуқуқий жиҳатдан таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу, ўз навбатида, қонунларни қабул қилиш тизимини тубдан такомиллаштириш, норма ижодкорлигининг самарадорлигини ошириш ва халқчил бўлишини таъминлашни тақозо этади.

#### Қонун ижодкорлиги

## Муҳим ҳуқуқий қафолат

Шу маънода, куни кеча давлатимиз раҳбари томонидан қабул қилинишига қандай зарурият бўлгани, унинг эски таҳриридаги қонундан қандай фарқли жиҳатлари борлиги барчани қизиқтиради.

(Давоми 2-бетда) ▶

#### Оқлов

## Адолат тантанаси

кўнгилдаги ғуборларни ювиб юборди



"Ҳақиқат эгилади, букилади, лекин синмайди", дейди доно халқимиз. Бу ҳикмат замирида теран маъно-мазмун мужассам. Унинг нақадар тўғри айтилганини Навоий вилоти прокуратурасининг иқтисодий жиноятчилик ва коррупцияга қарши курашиш бўлими алоҳида муҳим ишлар бўйича катта терговчи лавозимида ишлаган Лутфилла Карабеков (айни пайтда марҳум)нинг қисмати ҳам яққол тасдиқлади.

(Давоми 5-бетда) ▶

Шу йил 28 апрелдан эътиборан "Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди тўғрисида"ги Конституциявий қонун кучга кирди.



#### Моҳият

## Конституциявий суднинг инсон ҳуқуқларини таъминлашдаги роли ва аҳамияти



Мирзо-Улуғбек АБДУСАЛОМОВ,  
Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди Раиси,  
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган юрист

Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳамда Конституция ва қонун устуворлигини таъминлаш энг асосий вазибаларидан бири бўлган Конституция-

вий суд фаолиятига оид қонун янгидан қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазибаларга мувофиқ суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ этиш, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини кафолатлаш ва ишончли ҳимоя қилиш, ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Мамлакатимиз Конституциясининг 44-моддасига мувофиқ, ҳар бир шахсга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмаларининг ғайриқонуний ҳатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи кафолатланади.

Инсон ҳуқуқларининг мазкур конституциявий қафолати Конституция ва қонун устуворлиги принципини ҳаётга изчил тадбиқ этиш билан боғлиқ.

(Давоми 5-бетда) ▶

#### 9 май — Хотира ва қадрлаш куни

## Ўзбекистон хотин-қизлари: жанрлардаги жасорат ва фронт ортидаги матонат



Иккинчи жаҳон урушининг дастлабки кунлариданоқ Ўзбекистонда ҳам фронтга жўнатишни сўраб ҳарбий комиссарликларга келиб турган аризалар оқими юртдошларимизнинг миллий ватанпарварлик руҳи юксаклигининг яққол намунаси бўлди. Илк ойлар ичига 32 минг нафардан зиёд кўнгилилар орасида турли касб ва ҳар хил миллатга мансуб кишилар, эркаклар, ёшлар ва кексалар қатори қўллаб хотин-қизлар ҳам бор эди.

Ўзбекистондан ўша йиллари 4 минг 555 нафар хотин-қиз фронтга сафарбар этилган. Улар орасида, жумладан, Зебо Ганиева, Елена Стемковская, Раҳима Алимова, Ольга Санфиорова, Шарофат Эшонтураева каби моҳир мерганларнинг ҳар бири юзлаб фашистларни ертлашган. Ҳарбий жарроҳ Муқаддам Ашрапова қанчадан-қанча ярадор жангчиларнинг ҳаётини сақлаб қолган. Ҳужумкор авиация полки қузатувчиси Сайёра Шукурова, машҳур алоқачилар Роза Иброҳимова

ва Собира Маждидова, опа-сингил Мунира ва Розия Ғиёсова ҳам ғалаба учун курашганлар. Уруш бошланганда Москвада Давлат театр санъати институтида тахсил олаётган Зебо Ганиева тиббий ҳамшира сифатида оловли жанг майдонига кириб борган. У кейинчалик жанговар фаолиятини миномётчи, пулемётчи сифатида давом эттирган.

Лейтенант Зебо Ганиева курашдош дугонаси билан бирга 130-ўқчи дивизияда снайперлик ҳаракатининг ташкил

этилишида ташаббус кўрсатган. У 1942 йил 23 майда Катта Врагово қишлоғини озод этишда оёғидан оғир ярадор бўлган. Бунга қадар эса Зебо Ганиева 129 нафар фашистни йўқ қилган. Бу қаҳрамонликлари учун навқирон алоқачи, снайпер ва разведкачи қиз "Қизил байроқ", "Қизил юлдуз", Биринчи даражали "Ватан уруши" орденлари ва "Москва муҳофаази учун" медали билан тақдирланган.

(Давоми 2-бетда) ▶

## Қонун ижодкорлиги

## Муҳим ҳуқуқий қафолат

## ◀ (Бошланиши 1-бетда)

Дарҳақиқат, ушбу қонунда қандай янгиликлар кўзда тутилган, норма ижодкорлиги жараёнида қандай ўзгаришлар бўлади, бундан кўзланган мақсад нима?

Мамлакатимизда сўнгги йилларда барча жабҳаларда амалга оширилган кенг кўламли ислохотлар:

— норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш жараёни сифатини ошириш;

— уларнинг таъсирини лозим даражада баҳолашдан қабул қилишга йўл қўймаслик;

— коррупция кўринишлари ва давлат томонидан ортиқча тартибга солиш ҳолатларига олиб келувчи идоравий ҳужжатлар қабул қилиш амалиёти тизимли равишда баҳолаш бўлади.

Энг муҳими, қабул қилинаётган қонунларнинг тартибга солиш таъсирини баҳолаш усули бўлиб жорий этиш, шунингдек, қонунчилик базасини тизимлаштириш, уларнинг ижроси мониторингини таъминлаштириш, норма ижодкорлиги жараёнига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш масалаларини ҳал қилиш муҳим масалага айланган.

Қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжат ижтимоий муносабатларни тартибга солиш жараёнида жамиятдаги реал воқеликдан орқанда қолиб кетмаслиги, шу билан бирга, олдинга ҳам ўтиб кетмаслиги лозим. Ортада қолинса, муносабатлар етарли даражада тартибга солинамасдан, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари бузилади, олдинлаб кетилса, ҳуқуқни қўлловчилар томонидан қонунчилик нормаларининг нотўғри талқин қилинишига ёки умуман ишлатилмаслигига сабаб бўлади.

Бундан ташқари қабул қилинаётган қонунлар ҳақиқат бўлиши, уларнинг яратилишидан тортиб, қабул қилинишига қадар кенг жамоатчилик фикр-мулоҳазаларига таяниши лозим. Шу каби муносабатларга ҳуқуқий ечим топиш мақсадида мазкур қонунда бир қатор янги тартиблар ўрнатилди. Уларни амалга ошириш механизми яратиб берилди. Кўплаб меъёрий ҳужжатлар билан тартибга солиб келинган тартиб-таомиллар тизимлашган ҳолда қонунда ўз аксини топди.

Хусусан, янги қонунда жамоатчилик фикрини ўрганишга алоҳида эътибор берилди. Эндиликда норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқувчи томонидан Ўзбекистон Республикасининг Ягона интерактив давлат хизматлари порталида кенг жамоатчилик муҳокамасидан ўтказишнинг ҳуқуқий механизми очиб берилди ва ҳужжат лойиҳаси Ягона порталда ўн беш календарь кундан кам бўлмаган муддатда муҳокамалардан ўтказилиши белгиланди.

Яна бир муҳим янгилик: норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилинган тақдирда қўрилган ва эришилмайдиган натижалар таҳлил қилинадиган тартибга солиш таъсирини баҳолаш институти жорий этилмокда.

Яъни бунда норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси қабул қилинган тақдирда тахмин қилинаётган ҳаражатларнинг қўрилмайдиган натижаларга мутаносиблиги ўрганилади. Лойиҳанинг жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатлари, тадбиркорлик фаолиятига, атроф-муҳит ҳолатига таъсири баҳоланади. Янги воситалар ва маъмурий тартиб-таомиллар жорий этилишининг эҳтимолдаги оқибатлари прогноз қилинади.

Бу тартиблар норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқишга жамоатчиликни кенг жалб қилган ҳолда, чуқур ўйланган ҳамда ҳисобикитоб қилинган қарорлар қабул қилиш имконини беради.

Бундан ташқари қонун ҳужжатларини қабул қилиш асослари ва тартиби, меъёрий ҳужжатларнинг тартибга солиш таъсирини баҳолаш институти жорий этилмокда.

Эндиликда тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш тартиб-таомилнинг мураккаблаштирилиши ва тадбиркорлик фаолияти субъектлари зиммасига янги мажбуриятлар юклатилишини назарда тутадиган, шунингдек, уларнинг жавобгарлигига оид янги чораларни белгилайдиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар расмий эълон қилинган кундан эътиборан камида уч ойдан кейин кучга кирилади.

Хулоса қилиб айтганда, "Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида"ги қонуннинг қабул қилиниши қонун ижодкорлиги соҳасида туб бурилишлар ясашга хизмат қилади.

Шерзод Тўхташев,  
Олий Махлис Қонунчилик палатаси депутати

ди. Унга кўра, қонун билан тартибга солинадиган масалалар бўйича меъёрий ҳужжатларни қабул қилишга йўл қўйилмайди.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан тасдиқлиниши мумкин бўлган низоми, регламентлар, қоидалар, йўриқнома, концепциялар, доктриналар, дастурларнинг тушунчалари ҳамда уларнинг қандай муносабатларни тартибга солишда қўлланилиши аниқ баён қилинди.

Қонун ижодкорлиги жараёнида ўзбек тили имкониятларидан фойдаланиш борасида муайян камчилик ва хатоликларга йўл қўйилиб, айрим ҳолатларда қонунларнинг тили тушуниш қийинлиги тўғрисида жамоатчиликнинг ҳақли эътирозлари билдирилган пайтлар ҳам бўлган.

Мазкур қонун билан норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳалари давлат тилида тайёрланиши, киритилиши ва қабул қилиниши кафолатланди. Эндиликда, норматив-ҳуқуқий ҳужжат зарурият бўлган ҳоллардагина бошқа тилларга таржимаси билан қабул қилиниши мумкин.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси ҳуқуқий ва коррупция қарши экспертизадан ўтказилиши шартлиги белгиланди. Шу билан бирга, лойиҳа ишлаб чиқувчининг ёки норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилиш ҳуқуқига эга бўлган органнинг қарорига кўра, иқтисодий, молиявий, илмий, лингвистик, экологик, коррупцияга қарши, гендер-ҳуқуқий экспертизадан, шунингдек, бошқа турдаги экспертизалардан ўтказилиши мумкин бўлмокда.

Адлия вазирлиги ва унинг ҳудудий органлари томонидан норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш тартиби ва мундариғи аниқлаштирилди.

Хусусан, вазирлик норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг ҳуқуқий экспертизасини, шу жумладан, коррупция кўринишларини, бошқа ҳуқуқбузарликларни содир этиш учун шарт-шароитларни юзага келтирадиган, жисмоний ва юридик шахслар учун ортиқча маъмурий ҳамда бошқа чекловларни жорий этадиган қоидалар ва нормалар бориқчилигини аниқлаши белгиланди.

Яна бир муҳим янгилик шуки, норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилиш ҳуқуқига эга бўлган давлат органи норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг самарадорлигини ўрганиш мақсадида унинг вақт ёки соҳа, муайян ҳудуд ва (ёки) шахслар доираси бўйича амал қилишини чеклаб, ҳуқуқий эксперимент тартибидан қабул қилиш ҳуқуқига эгаллиги қонунда мустаҳкамланди.

Ҳуқуқий эксперимент тугатилган кейин ижобий ва салбий оқибатлар, бундай ҳужжатнинг қўлланилишига таъсир ўтказган ижтимоий ҳамда бошқа омиллар, ҳуқуқий эксперимент ўтказилиши муносабати билан қилинган ҳаражатлар ва олинган даромадлар таҳлил қилинади. Шу маънода, қонунчилик ҳужжатларини ҳуқуқий эксперимент натижаларини инобатга олган ҳолда тақомиллаштириш ёки норматив-ҳуқуқий ҳужжатни ўз кучини йўқотган деб топишнинг тартиби аниқ белгиланган берилди.

Эндиликда тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш тартиб-таомилнинг мураккаблаштирилиши ва тадбиркорлик фаолияти субъектлари зиммасига янги мажбуриятлар юклатилишини назарда тутадиган, шунингдек, уларнинг жавобгарлигига оид янги чораларни белгилайдиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар расмий эълон қилинган кундан эътиборан камида уч ойдан кейин кучга кирилади.

Хулоса қилиб айтганда, "Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида"ги қонуннинг қабул қилиниши қонун ижодкорлиги соҳасида туб бурилишлар ясашга хизмат қилади.

Шерзод Тўхташев,  
Олий Махлис Қонунчилик палатаси депутати

## ◀ (Бошланиши 1-бетда)

Афсуски, Зебо Ғаниева ер тишлатган фашистлар сони анча вақтгача расмий ҳужжатларда 129 нафар эмас, негидир камайтариб (20 нафар) кўрсатиб келинган. У урушдаги қахрамонликлари учун орден ва медаллар билан тақдирланган бўлса-да, онаси шўролар қатағонига учраган ўзбек аёли бўлгани учун "Совет Иттифоқи Қахрамони" унвони билан мукофотлашга лойиқ топилмаган.

2020 йилга келиб Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан Зебо Ғаниева қахрамонлигига нисбатан бундай адолатсизликка барҳам берилди. Эндиликда Ғалаба боғидаги "Мангу жасорат" монументида ўзбек генерали Собир Раҳимов ёнида саф тортган 14 нафар ўзбек қахрамони орасида ўзимизнинг Зебо Ғаниева ҳам бор.

Дарвоқе, концерт-фронт сайёр бригадаси, кейинчалик ветеран аёллар ансамбли нима учун ва қай тариха Зебо Ғаниева номи билан аталгани ҳақида ҳам алоҳида тўхталиш лозим. Гап шундаки, Ўзбекистон халқ артисти Гаваҳ Раҳимова раҳбарлигидаги ушбу ансамбль аъзолари 1942 йили Москвада бўлиб турганида, шу ердаги госпиталда даволанаётган ва 17-мартаба жароҳатли операциясини бошидан кечирган машҳур мерган қиз Зебо Ғаниева билан учрашган.

Уша учрашувдан сўнг Зебо Ғаниевага бағишланган янги кўшиқ дунё юзини кўрган. Шу учрашув туфайли концерт-фронт сайёр бригадасини Зебо Ғаниева номи билан аташ гоёси туғилган ва бу эзгу ташаббус рўёбга чиққан.

Зебо Ғаниева уруш даврида, яъни 1945 йили тасвирга олинган "Тоҳир ва Зухра" фильмида Хоразм шохининг қизи Мохим ролини ижро этган. У урушдан кейинги даврда ҳам ўз номидаги ансамбль қизлари билан бирга кўплаб ҳарбий-ватанпарварлик тadbирлари, ижодий учрашувлар ва концертларда иштирок этган.

Уруш йилларида Ўзбекистон маданияти ва санъати намоёндалари жангчилар ҳузурида 1 миллион 350 мингта спектакль ва концерт дастурлари намойиш этиб, деярли барча жанговар қисмларда ижодий учрашувлар ташкил қилган. Эътиборли жиҳати: ўша даврда Ўзбекистонда фронт учун қарийб 20 та концерт бригадаси тузиладиган бўлиб, жангчиларнинг энг қайноқ жойларида фаолият юритган ушбу ижодий жамоаларнинг таркиби асосан аёллардан иборат бўлган.

Бу ўринда халқ артистлари Халима Носирова ва Тамарахоним бошчилигидаги концерт бригадалари ҳамда машҳур санъаткор Гаваҳ Раҳимова раҳбарлигидаги жанговар аёллар ансамблининг фаолиятини алоҳида таъкидлаш лозим. Тарихий манбаларда, жумладан, Мукаррама Турғунбоева, Зайнаб Полташева, Турсуноя Маҳмудова, Сония Ягудаева, Тамара Назарова, Муаззам Омонова, Сора Самандарова, В.Метелецкая, Клара Юнг каби кўплаб танилиқ санъаткорларининг номлари муҳрланган.

Бугун Иккинчи жаҳон уруши йиллари фашизм устидан қозонилган ғалабани муносиб ҳисса қўшган ушбу иктидорли ва матонатли санъаткор опариимизнинг аксарияти орамизда йўқ. Аммо Президентини




миз ташаббуси билан бунёд этилган Ғалаба боғи, бу ердаги "Мангу жасорат" монументи ва "Шон-шараф" музейини зиёрат қилиш асосида эндиликда уларнинг муборак номларини ва мангу жасоратини эслаш имконига эгамиз.

Жанг майдонларида жасорат кўрсатган ўзбекистонлик хотин-қизлар ҳақида сўз борганда, Совет Иттифоқи Қахрамони Елена Стемпковская ва Ольга Санфирова тўғрисида алоҳида тўхталиш лозим. Чунки

## 9 май — Хотира ва қадрлаш кўни

## Ўзбекистон хотин-қизлари:

## жанглардаги жасорат ва фронт ортидаги матонат



ки улар Ўзбекистондан фронтга сафарбар этилган хотин-қизлар орасидан шу юксак унвонга муносиб кўрилган.

Елена Стемпковская урушга қадар Сирдарё вилоятидаги Боёвут кишлоғида яшаган. Уруш бошланганида Тошкент педагогика институтини таҳсил олаётган Лена 1941 йил 21 июнда тарих фанидан имтиҳонни "аъло" баҳога топшириб, эртаси кун фронтга отланган.

1942 йил июнида Жанубий-Ғарбий фронт 21-армияси 76-ўқчи дивизияси 216-ўқчи пол-

даврида Флоренс Найтингейл медалига сазовор бўлган 40 нафардан ортиқ собиқ совет ҳамшираларидан бири. Ушбу медал ҳамширалар учун махсус таъсис этилган нуфузли халқаро мукофот ҳисобланади.

Уруш бошланганида Рихсихон педагогика институтини таҳсил олаётган Рихсихон Охунбоев номидаги Республика тиббиёт билим юртининг фельдшерлик факультетида таълим олаётган эди.

У ўз ихтиёри билан фронтга кетиш истагини билдирган,

хизматлари учун" медали билан ҳам тақдирланган.

230-ўқчи дивизияси, 988-ўқчи полк, 3-ўқчи батальон, 8-ўқчи рота санитар Раҳима Алимованинг жасорати ҳам ҳар қанча эътирофга лойиқдир. Миус дарёсини кечиб ўтишда душманга қарши курашаётган пулемётчи ҳалок бўлган. Шунда уруш майдонларидан ярадорларни хавфсиз жойга олиб ўтаётган Раҳима Алимова унинг ўрнини эгаллаб, жангин давом эттирган. У кўплаб жангчиларни қутқаришга муваффақ бўл-

Мисол учун 1941 йил июль ойидаги маълумотга қараганда, биргина "Ташсельмаш" заводидан 220 нафар хотин-қиз фронтга кетган ота, ака ва турмуш ўртоқларининг ўрнини эгаллаган.

Бошқа бир муҳим далил: уруш йилларида 1,5 миллион нафар киши, шу жумладан, 250 минг нафардан ортиқ бола фронт яқинлашиб қолган ҳудудлардан Ўзбекистонга кўчирилган. Халқимиз ана шу қаровсиз қолган болаларга ўз хонадонидан бошпана бериб, сўнгги бурда нонини улар билан баҳам қўриб, етим болаларга ўз фарзандлари қаторида меҳр-оқибат кўрсатиб, том маънода инсонийлик фазилатларини намоён этган.

"Ғалаба боғи" ёдгорлик мажмуаси ҳудудида бунёд этилган "Меҳр-шафқат қўли" ёдгорлиги ўзбек халқига хос бўлган бағрикенглик ва инсонпарварликнинг рамзий ифодасидир. Бу эзгу хислатлар икки қафт оралиғидаги "200 000" рақами ва очик қўл ичидида уч нафар жажжи болакай тимсолида ўз аксини топган.

Оғир уруш йилларида эвакуация қилинган болаларга оналарга-ғамхўрлик кўрсатиш бўйича қаҳриқча Ўзбекистоннинг минглаб аёллари "лаббай" деб жавоб берган. Улар кўпинча вокзалга келиб, болаларни ўз хонадонларига етаклаб кетганлар. Бухоро вилоятидан келган хабарда "Болаларни ўз тарбиясига олишни истаган фуқароларнинг аризаларини қаноатлантириш имконини тополмаяптиз. Агар бошқа вилоятларда эвакуация қилинган мактабгача ёшдаги болалар бўлса, уларни Бухорога юборинглар", дейилган бежиз эмасди. Шу тарихга кўплаб инсонлар учун ўшанда Ўзбекистон иккинчи Ватанга айланган.

Энг муҳими, халқини севган, унинг тарихи ва дардини раҳкур анлаган давлатимиз раҳбарининг гоёси ва ташаббуслари билан Ғалаба боғининг қўқ ўртасида "Матонат мадҳияси" деб аталган муаззам обиде она Ватан рамзи бўлиб қад ростлади. Мазкур ёдгорлик мажмуаси қандайдир бадиий образ эмас, унга ҳаётда бўлган воқеа асос қилиб олинган.

Иккинчи жаҳон урушида бир оиладан беш нафар фарзанд урушга кетиб, ҳеч бири қайтмаган оила дунёда учта бўлиб, иккитаси Беларусь ва АҚШда, яна бири тошкентлик Зулфия ая Зокирова оиласидир. Она Иккинчи жаҳон урушида беш ўғлидан ҳудо бўлган.

2019 йили Хотира ва қадрлаш кўнида давлатимиз раҳбари Зулфия Зокирова ва унинг фронтдан қайтмаган беш ўғли, садокатли келинлари хотира-ғана атак муҳташам ҳайкал ўрнатилиши ҳамда унга "Матонат мадҳияси" деб ном бериш таклифини билдирган эди. Бу ташаббусни жамоатчилигимиз қизгин қўллаб-қувватлади.

Хулоса ўрнида таъкидлаш жоизки, "Матонат мадҳияси" монументи ўзбек аёлининг адоқсиз меҳр ва бардоши, садокати ва матонати рамзидир. Президентимиз айтганидек, бу — Ўзбекистондаги барча оналарга қўйилган ҳайкал.

Ушбу ёдгорлик бутун халқимиз учун қўтлуб эмиратоҳга, оила, муҳаббат, вафо ва садокат тимсолига айланиб қолади. Бу ерга келган ёшлар миллатимизнинг қонида бўлган фазилатларни англаб, уларни қадрлаб яшашга интилади.

Акмал САИДОВ,  
академик

## АЁЛ

Абдулла ОРИПОВ,  
Ўзбекистон Қахрамони, халқ шоири

Сиз-чи эй, садокат сатридан нолиб,  
Надомат комида қолганлар, айтинг.  
Узини минг битта бозордан олиб,  
Минг битта бозорга солганлар, айтинг.

Шу чўлпон кўзларнинг буюк ҳурмати,  
Шу ақиқ лабларнинг рост сўзи дея,  
Сўйланг-чи, вафонинг надир қиммати,  
Сиз ҳам кутганимиз бирор сония?!

Баъзида тирноқлар безаги учун  
Сахардан шомгача қилурсиз тоқат.  
Бироқ ёрингизни кутгани нечун  
Топилмас тирноқча сабру қаноат.

Назоқат пайтимас, яқинроқ келинг,  
Буюк зот қошида айлангиз салом.  
Шу содиқ бевага саждалар қилинг,  
Шу содиқ бевага айланг эҳтиром.

Ҳатто зеб-зийнатни юлқиб зиёда,  
Ҳайкал ҳам кўйингиз бамисли хаёл.  
Шундайлар бўлмаса агар дунёда,  
Бу қадар муҳтарам бўлмасди аёл.

1965 йил

қи, ўқчи батальонининг алоқачиси Елена Стемпковская батальони Белгород вилояти, Шебекин тумани, Зимовенка қишлоғи яқинида душман куршувидан чиқаётганида полк штаби билан алоқани тазминлаб турган ва ўша жангда қахрамонларча ҳалок бўлган. Боёвут туманидаги Боёвут кишлоғи "Истиклол" маҳалласидаги Марказий кўрғон боғида кичик сержант Елена Стемпковскаянинг ҳайкали ўрнатилган.

Ўзбекистондан фронтга сафарбар этилган яна бир жасур аёл — Ольга Санфирова уруш-мида Хоразм вилоятида яшаган. 1941 йилнинг декабридан армия сафларига қаҳирланган. 1942 йилда Батай ҳарбий авиация учувчилар мактабини битирган ва ҳаракатдаги армияда хизматни бошлаган.

Ольга Санфирова 46-тунги

Кизил Ярим ой жамиятига қарашли ҳамширлар курсида ўқиган ва 1941 йил ноябрдан ҳаракатдаги армияга сафарбар этилган. Рихсихон Мўминова дастлаб 2-Белоруссия фронтининг 136-гвардия дивизияси санинструктори, 1942 йилнинг ёз ойларидан бошлаб Сталинград фронтини ҳамширлик қилган.

Рихсихон жанглардан бирида оғир яраланган. Соғайиб чиққан, 1943 йил ноябрь ойида 1-Украина фронтини қўшинлари таркибидан Киев, Житомир каби кўплаб шаҳарларни озод этишда қатнашган. Житомир шаҳри учун жангларда яраланган аскарни жанг майдонидан олиб чиқаётганида шундоққина ёнида портлаган снаряд парчаси Рихсихон Мўминованинг чап оёғини жароҳатлаган.

Жасур ўзбек қизи яна даволаш, сўнгра Беларуссия, Польша ва Европанинг бошқа кўплаб ҳудудларидан голибона ўтган. Бу пайтда Рихсихон танк дивизияси санитария-тиббий ёт батальонига ҳамшира этиб тайинланган. Аммо Берлин шаҳригача 35 километр масофадаги стратегик жиҳатдан муҳим ҳудуддаги қақшатқич жангларда у яна оғир яраланган ва ҳушидан кетган.

Рихсихон Мўминова аввал Москвадаги ҳарбий госпиталлардан бирида уч ой даволанган, сўнгра Тошкентдаги 340-ҳарбий госпиталга олиб келинган. Бу ерда 1946 йил март ойигача даволаниб, иккинчи гуруҳ ногирони бўлиб қолишига қарамай, яна бир йил пойтахтимизда ҳамшира, кейин Тошкент вилояти, Оққўрғон туманидаги Тез ёрдам станциясида фельдшер бўлиб ишлаган.

Жанг майдонларида кўрсатган жасорати ва мардлиги учун Рихсихон Мўминова I даражаси "Улуғ Ватан уруши", "Қизил байроқ", "Қизил юлдуз" орденлари, "Жанговар



Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг

КАРОРИ

## Судлар томонидан иқтисодий ишларни апелляция тартибида кўриш амалиёти тўғрисида

## ◀ (Бошланиши 1-бетда)

2. ИПК 259-моддасига мувофиқ, апелляция инстанцияси судида иш юритиш:

даъвогар, аризаачи, жавобгар, учинчи шахс, улар вакилларининг шикоят буйича;

арафлар ва учинчи шахслар ҳуқуқий ворисларининг шикоят буйича;

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакилнинг шикояти буйича, бундан тадбиркорлик субъектлари ўртасида юзага келадиган иқтисодий низола, шунингдек, тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ бўлмаган низола мустасно;

ишда даъвогар сифатида қатнашган давлат органлари ва бошқа шахсларнинг шикояти буйича (ИПК 50-моддаси биринчи қисми); прокурорнинг протести буйича қўзғатилади.

Апелляция тартибида иш юритиш, шунингдек, ишда иштирок этишга жалб қилинмаган, суд ҳужжати ҳуқуқ ва мажбуриятларига таъсир килувчи ИПК 259-моддасига мувофиқ, суд ҳужжати устидан шикоят қилиш ҳуқуқига эга бўлган шахснинг шикояти буйича ҳам қўзғатилиши мумкин. Ушбу шахс суд ҳужжатида кўрсатилмаган ҳолларда ҳам, унинг устидан шикоят қилиш ҳуқуқидан фойдаланади.

Ишда иштирок этувчи шахснинг вакили, шу жумладан, адвокат, агар бундай ҳуқуқ ваколат берувчи томонидан берилган ишончномада махсус кўрсатилган бўлсагина, суд ҳужжати устидан апелляция тартибида шикоят қилишга ҳақиқ (ИПК 63-моддаси иккинчи қисми).

Суднинг ҳал қилув қарори устидан тўлиқ ёки қисман шикоят қилиниши (протест келтирилиши) мумкин.

Ишда иштирок этувчи шахсларнинг ҳуқуқий ворислари ҳам апелляция шикояти беришга ҳақиқ бўлиб, бундан шикоятга ҳуқуқий ворисликни тасдиқловчи далил илова қилиниши лозим.

Прокурор ўзининг иштирокида кўрилган иш, шунингдек, арафларнинг муносабати бўлган ҳолда апелляция протести келтиришга ҳақиқ.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакилнинг апелляция шикоятини қабул қилишда шуни инобатга олиш лозимки, тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ бўлмаган низо деганда, фойда олиш мақсад қилинмаган фаолиятдан келиб чиққан низо (хусусан, юридик фактларни белгилаш тўғрисидаги, банкротлик тўғрисидаги ишлар, ҳақамлик муҳомадаси билан боғлиқ, чет эл судлари ва арбитражларининг ҳал қилув қарорларини тан олиш ва ижрога қаратиш тўғрисидаги низола) тушунилиши лозим.

3. Судларга тушунтирилсинки, ИПК 50-моддаси биринчи қисмига мувофиқ, давлат органлари ва бошқа шахслар (масалан, Савдо-саноат палатаси, фермер, деҳқон ҳўжаликлари ва томорка ер эгалари кенгашлари ва ҳ.к.) даъво улар томонидан берилган ҳолдагина суд ҳужжати устидан апелляция тартибида шикоят бериши мумкин, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил бундан мустасно.

4. Қонунга мувофиқ, ҳал қилув қарори устидан апелляция шикояти (протести) ҳал қилув қарори қабул қилинган кундан эътиборан бир ой ичида берилиши мумкин.

Суднинг соддалаштирилган иш юритиш тартибидаги, ҳуқуқий таъсир қорасини қўллаш тўғрисидаги иш бўйича ҳал қилув қарори, банкротлик тўғрисидаги ишда аризаларни, шикоятларни (илтимосномаларни) ва келишмовчиликларни кўриб чиқиш натижалари бўйича чиқарилган суднинг ажрими устидан апелляция шикояти (протести) у қабул қилингандан кейин ўн кун ичида берилади.

Судларга тушунтирилсинки, апелляция шикояти (протести) бериш муддатини қисқалаш ҳал қилув қарори қабул қилинган санадан кейинги кундан бошланади (ИПК 119-моддаси). Бунда ИПК 262-моддаси олтинчи қисмига мувофиқ, ишда иштирок этишга жалб қилинмаган, аммо ҳуқуқлари ва мажбуриятлари тўғрисида суд ҳал қилув қарори қабул қилган шахслар, шунингдек, суд мажлисининг вақти ва жойи тўғрисида тегишли тарзда хабардор қилинмаган ишда иштирок этувчи шахслар

учун апелляция шикояти (протести) бериш муддати уларга ҳал қилув қарори қабул қилинганлиги ҳақида маълум бўлган кундан эътиборан ҳисобланади.

5. ИПК 259-моддасида кўрсатилган шахслар ИПК 189-моддасига мувофиқ, қабул қилинган қўшимча ҳал қилув қарорига ҳам апелляция шикояти (протести) беришга ҳақиқидир. ИПК 189-моддаси бешинчи ва олтинчи қисмлари мазмунига кўра, қўшимча ҳал қилув қарори устидан апелляция шикояти (протести) бериш муддати ҳам асосий ҳал қилув қарори қабул қилинган кундан ҳисобланади.

6. Апелляция шикояти (протести) ҳал қилув қарорини қабул қилган суд орқали берилади ва ушбу суд шикоятни (протестни) у келиб тушган кундан эътиборан беш кунлик муддатда апелляция инстанцияси судига иш билан бирга юбориши шарт. Ушбу муддат ўтганидан кейин келиб тушган шикоят билан боғлиқ қўшимча ҳужжатлар, бошқа шахсларнинг апелляция шикоятлари ҳам апелляция инстанцияси судига юборилади.

Агар апелляция шикояти (протести) ҳал қилув қарорини қабул қилган судни четлаб ўтган ҳолда юборилган бўлса, у апелляция инстанцияси суди томонидан шикоятни (протестни) берган шахсга қайтарилади. Суд ажримда шикоят (протест) ҳал қилув қарорини қабул қилган суд орқали берилиши лозимлиги кўрсатилиши керак.

Биринчи инстанция суди апелляция шикоятини (протестини) иш юритишга қабул қилиниши рад этиш ёки уни қайтариш масаласини ҳал этишга ҳақиқ эмас.

Агар апелляция шикояти (протести) ҳал қилув қарорини тушунтириш, хатоларни, ҳарфий хатоларни ва ҳисоб-китобдаги янглишишларни тузатиш, қўшимча ҳал қилув қарори қабул қилиш тўғрисидаги ариза бўйича биринчи инстанция суди мажлиси тайинлангандан кейин келиб тушса, суд бундай ариза бўйича иш юритишнинг ИПК 101-моддаси 1-бандига кўра, тўхтатиб қўяди, ишни эса шикоят (протест) билан бирга апелляция инстанцияси судига юборилади.

7. ИПК 262-моддаси учинчи қисмига кўра, апелляция шикоятини (протестини) бериш муддати ўтказиб юборилган тақдирда, у шикоят (протест) берган шахснинг илтимосномасига кўра, апелляция инстанцияси суди томонидан тикланиши мумкин. Илтимосномада муддат ўтказиб юборилишининг сабаблари кўрсатилиши лозим. Бунда судга шикоят (протест) билан ўз вақтида муносабат қилишга объектив равишда тўқинлик қилган ҳолатлар узрли сабаблар деб ҳисобланиши мумкин.

ИПК 262-моддаси учинчи қисмида белгиланган икки ойлик муддат ўтказиб юборилгандан кейин бериладиган апелляция шикоятини (протестини) ўтказиб юборилган муддатини тиклаш ҳақидаги илтимоснома рад этилиши, муддат бузилиб берилган апелляция шикоятини (протестини) қабул қилиш эса, рад этилиши лозим (ИПК 268-моддаси биринчи қисми 4-банди). Ўтказиб юборилган муддатни тиклаш тўғрисида илтимоснома мавжуд бўлмаганда ҳам шикоятни (протестни) қабул қилиш шу асослар бўйича рад этилади.

Агар апелляция шикояти (протести) қонунда белгиланган муддат ўтганидан кейин берилган ва у апелляция инстанцияси суди томонидан хатога йўл қўйилиб қабул қилинган бўлса, апелляция шикояти бўйича иш юритиш ИПК 273-моддаси биринчи қисми 1-бандига кўра, тугатилади.

8. Апелляция шикоятини (протестини) бериш муддатини тиклаш ҳақидаги масала ишда иштирок этувчи шахслар хабардор қилинмасдан, апелляция инстанцияси суди судьяси томонидан яқка тартибда кўриб чиқилади.

9. Апелляция шикоятининг (протестининг) мазмуни ИПК 263-моддаси талабларига мувофиқ бўлиши керак. Вакил томонидан имзоланган шикоятга унинг суд ҳужжати устидан шикоят қилиш ваколатларини тасдиқловчи ишончнома ёки бошқа ҳужжат илова қилинади.

Шикоятни имзолашда факсимилдан фойдаланишга йўл қўйилмайди, қонун ҳужжатларида белгиланган ҳоллар бундан мустасно.

Агар шикоятни қабул қилишда судьяда шикоятни имзолаган шахсда таъсис ҳужжатларига мувофиқ уни имзолаш ҳуқуқи мавжудлиги борасида шубҳа туғилса, судья апел-

ляция шикоятини иш юритишга қабул қилади ва аризаачига унинг шикоятни имзолашга ваколатини тасдиқловчи далилларни тақдим этишни таклиф қилади. Шикоятни имзолаш ваколатини тасдиқловчи далил тақдим этилмаганда, апелляция инстанцияси суди шикоятни ИПК 272-моддаси биринчи қисмига асосан кўрмасдан қолдиради.

10. Судлар шуни назарда тутиши лозимки, апелляция шикоятига давлат бож ва почта харажатлари тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжатларнинг асли илова қилиниши керак, тўлов электрон тарзда амалга оширилган ҳоллар бундан мустасно.

Шикоятга (протестга), шунингдек, ишда иштирок этувчи бошқа шахсларга апелляция шикояти (протести) ва унга илова қилинган ҳужжатларнинг кўчирма нусхалари юборилганлиги ёки топширилганлигини тасдиқловчи ҳужжат ҳам илова қилиниши керак.

Даъво аризасини қайтариш ёки даъво аризасини қабул қилиниши рад этиш тўғрисидаги ажрим устидан берилган апелляция шикоятига (протестига) даъво аризаси, прокурор иштирокида эса, тарғаб муносабатининг кўчирма нусхаси илова қилиниши керак.

Қайд этилган талабларга риоя этмаслик шикоятни ИПК 269-моддаси биринчи қисми 1, 2 ва 3-бандларига, протести эса ИПК 269-моддаси биринчи қисми 1 ва 2-бандларига асосан қайтариш учун асос бўлади.

11. Судлар шуни эътиборга олиши керакки, ИПК 269-моддаси биринчи қисмида назарда тутилган апелляция шикоятини (протестини) қайтариш асосларининг рўйхати тугал бўлиб, кенгайтирилган тарзда талқин қилинишига йўл қўйилмайди.

12. Апелляция шикоятини (протестини) апелляция инстанцияси суди иш юритишга қабул қилиш тўғрисидаги ажримда апелляция инстанцияси суди мажлисини ўтказиш вақти ва жойи кўрсатилади.

Ажримнинг кўчирма нусхаси шикоятни (протестни) берган шахсга, шунингдек, ишда иштирок этувчи бошқа шахсларга юборилади.

13. Судларга тушунтирилсинки, давлат органлари ва бошқа шахсларнинг апелляция шикоятини қабул қилиш, агар улар томонидан судга даъво тақдим этилмасдан берилган бўлса, ИПК 268-моддаси биринчи қисми 1-бандига асосан рад этилади. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил бундан мустасно.

Тадбиркорлик субъектлари ўртасида юзага келган низо, шунингдек, тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ бўлмаган низо юзасидан қабул қилинган суд ҳужжати устидан Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил бундан мустасно.

14. Апелляция тартибида шикоят қилиниши (протест берилиши) мумкин бўлмаган суд ҳужжати устидан берилган апелляция шикоятини (протестини) қабул қилиш ИПК 268-моддаси биринчи қисми 2-бандига асосан рад этилади.

Қонунга кўра, биринчи инстанция судининг қуйидаги:

ишни ёпиқ суд мажлисида муҳокама қилиш (ИПК 11-моддаси); судья, прокурор, эксперт, мутахассис, суд мажлиси котиби, таржимонни рад қилиш ва ўзини ўзи рад қилиш тўғрисидаги масалани кўриш натижалари (ИПК 23-моддаси); ишни бошқа иқтисодий судга тегишлилиги бўйича ўтказиш (ИПК 39-моддаси);

бошқа жавобгарни ишда иштирок этишга жалб этиш ёки жалб этишни рад қилиш (ИПК 44-моддаси); ишга дахлдор бўлмаган жавобгарни алмаштириш (ИПК 45-моддаси); ишда иштирок этишга учинчи шахсларни жалб қилиш (ИПК 47, 48-моддалари); мутахассисни суд мажлисида иштирок этиш учун жалб қилиш (ИПК 57-моддаси);

далилларни талаб қилиб олиш ва уларни турган жойида қўздан кечирish (ИПК 69, 70-моддалари); ашёвий далилларни қайтариш (ИПК 79-моддаси); экспертиза тайинлаш ёки экспертиза тайинлаш ҳақидаги илтимосномани қаноатлантириши рад этиш (ИПК 80-моддаси); суд топшириғи (ИПК 91-моддаси);

суд топшириғининг ижроси (ИПК 92-моддаси);

иш юритишни тиклаш (ИПК 106-моддаси);

процессуал муддатларни тиклаш (ИПК 123-моддаси);

процессуал муддатни узайтириш ёки узайтиришни рад этиш (ИПК 124-модда);

келишув битимини тасдиқлашни рад этиш (ИПК 134-моддаси);

суд буйруғини бекор қилиш (ИПК 147-моддаси);

даъво аризасини иш юритишга қабул қилиш ва иш қўзғатиш (ИПК 153-моддаси);

даъвонинг асосини ёки предметини ўзгартириши, даъво талаблари миқдорини кўпайтириши ёки камайтириши, даъвогарнинг даъводан тўлиқ ёки қисман воз кечишини қабул қилиш ёхуд қабул қилишни рад этиш (ИПК 157-моддаси);

ишларни бирлаштириш (ИПК 158-моддаси);

талабларнинг бир қисмини алоҳида иш юритишга ажратиш (ИПК 159-моддаси);

қарши даъво ни қабул қилиш (ИПК 161-моддаси);

ишни суд муҳокамасига тайёрлаш (ИПК 162-моддаси);

ишда иштирок этувчи шахсларнинг аризалари ва илтимосномаларини ҳал этиш (ИПК 169-моддаси);

суд муҳокамасини кейинга қолдириш (ИПК 171-моддаси);

қўшимча ҳал қилув қарорини қабул қилиниши рад этиш (ИПК 189-моддаси);

қонуний кучга кирган суд ҳужжатини янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриш тўғрисидаги аризани иш юритишга қабул қилиш (ИПК 330-моддаси) ҳақидаги ажримлари устидан апелляция тартибида шикоят қилиниши (протест келтирилиши) мумкин эмас.

Қонунга кўра, биринчи инстанция судининг суд буйруғи (ИПК 143-моддаси) ва ижро варақаси (ИПК 336-моддаси) устидан ҳам апелляция тартибида шикоят қилиниши (протест келтирилиши) мумкин эмас.

Судларнинг эътибори шунга қаратилсинки, банкротлик тўғрисидаги иш бўйича тузилган келишув битимини тасдиқлашни рад этиш тўғрисидаги ажрим устидан апелляция тартибида шикоят берилиши (протест келтирилиши) мумкин.

15. Апелляция шикоятини (протестини) бериш муддати ўтказиб юборилганлиги сабабли шикоятни (протестни) қабул қилиниши рад этиш ҳақидаги ажримда рад этиш асослари кўрсатилиши керак (ИПК 268-моддаси биринчи қисми 4-банди).

Ажримнинг ҳулоса қисмида шикоятни беришда тўланган давлат божининг қайтарилиши кўрсатилади.

16. Судларга тушунтирилсинки, апелляция шикоятда (протестда) уни имзолаган шахснинг фамилияси кўрсатилиб, исми ёки исми ва отаси исмининг кўрсатилмаганлиги шикоятни (протестни) ИПК 269-моддаси биринчи қисми 1-бандига асосан қайтариш учун асос бўлмайди.

Апелляция шикояти (протести) электрон рақамли имзо билан тасдиқланиши мумкин. Бунда судлар шуни эътиборга олиши керакки, электрон рақамли имзонинг ҳақиқийлиги Ўзбекистон Республикаси Олий судининг ахборот тизимида тасдиқланган бўлиши лозим, акс ҳолда у имзоланмаган ҳисобланади.

17. Апелляция шикоятини (протестини) қайтариш учун бир неча асослар мавжуд бўлганда, суд ажримда ушбу асосларнинг ҳар бири, шунингдек, улар бартараф этилгач, судга умумий тартибда шикоят (протест) билан қайтадан муносабат қилиш ҳуқуқи кўрсатилиши керак.

18. Судларга тушунтирилсинки, апелляция шикояти (протести) юзасидан ИПК 270-моддаси биринчи қисмида белгиланган муддат ўтганидан кейин, аммо апелляция шикоятини (протести) бўйича қарор қабул қилинганга қадар келиб тушган ёзма фикр суд томонидан қабул қилиниши ва унга тегишли баҳо берилиши лозим.

19. Апелляция шикояти билан бирга ИПК 271-моддаси биринчи қисмига мувофиқ, берилган ҳал қилув қарорининг ижросини тўхтатиб туриш ҳақидаги илтимоснома апелляция шикоятини иш юритишга қабул қилиш тўғрисидаги масалани ҳал қилиш пайтида судья томонидан яқка тартибда, агар илтимоснома апелляция шикояти иш юритишга қабул қилингандан кейин берилган бўлса, ишда иштирок этувчи шахсларни хабардор қилмасдан судлов ҳайъати томонидан кўриб чиқилади.

Апелляция инстанцияси суди ҳал қилув қарорининг ижросини тўхтатиб туриш ҳақидаги масалани ҳал этишда иш ҳолатларини ва илтимосномада келтирилган вақтларни ўрганиши лозим. Агар суд аризаачининг вақтлари асослиги ҳақида ҳулосага келса, у бундай илтимосномани қаноатлантиришга ҳақиқ.

Хал қилув қарорининг ижроси апелляция инстанцияси судида иш юритиш тамомланганига қадар тўхтатиб турилиши мумкин.

20. Судлар шуни эътиборга олиши лозимки, ИПК 101-моддасида назарда тутилган ҳолларда суд иш юритишни тўхтатиб туришга мажбур.

ИПК 102-моддасида қайд этилган асослар мавжуд бўлганда, иш юритишни тўхтатиб туриш масаласи суд томонидан ишнинг муайян ҳолатларидан келиб чиқиб ҳал этилади.

ИПК 101-моддаси биринчи қисми 1-бандида белгиланган нормани қўллашда шуни назарда тутиш керакки, ушбу ишни конституциявий, фуқаролик, жиноят, маъмурий ёки иқтисодий суд ишларини юритиш тартибида кўрилатган бошқа иш ёки масала бўйича қарор қабул қилинганга қадар қўриш мумкин бўлмаганда, апелляция инстанцияси суди иш юритишни тўхтатиб туришга мажбур. Агар кўрсатилган ҳолатлар мазкур ишни кўришга тўқинлик қилмаса, иш юритишни тўхтатиб туриш мумкин эмас.

21. Судларга тушунтирилсинки, шикоятдан воз кечилганда (протест қақриб олинганда) апелляция шикояти (протести) бўйича иш юритиш тугатилади. Шу билан бирга шикоятдан воз кечилганлиги (протест қақриб олинганлиги) бошқа шахснинг апелляция шикояти кўриб чиқилишига тўқинлик қилмайди.

22. Апелляция инстанцияси судида даъвогарнинг даъводан воз кечishi қабул қилинган тақдирда, суднинг ҳал қилув қарори бекор қилинади, иш юритиш эса, ИПК 110-моддаси 6-бандига асосан тугатилади.

23. Судлар шуни эътиборга олиши лозимки, ишда тарғаб бўлган юридик шахс апелляция инстанцияси суди томонидан қарор қабул қилинганга қадар тугатилган бўлса, апелляция шикояти (протести) бўйича иш юритиш ИПК 273-моддаси биринчи қисми 6-бандига асосан тугатилади.

